

## Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали ҳузуридаги академик лицейда “Ватан – муқаддас уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Бу тадбир Қарши туман мудофаа ишлари, Қарши туман адлия бўлими ҳамда академик лицей ҳамкорлигида ташкил этилди. Бунда Қарши туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник У.Саидов, ЧҚХТБ бошлиғи М.Шерматов, заҳирадаги подполковник М.Назаров, катта лейтенант С.Махмудов, Қашқадарё вилоят мудофаа ишлар бошқармаси ходими, подполковник Ф.Хусанов ва бошқалар, Қарши туман адлия бўлими бошлиғи Р.Абдуллаева ҳамда академик лицей ўқитувчи ходимлари, ўқувчилари иштирок этишди. Аввало, меҳмонлар академик лицей ўқувчилари билан давра суҳбати олиб бордилар. Ўтказилган тадбирда меҳмонлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Академик лицей ўқувчилари ҳарбий саҳна кўринишлари, ҳарбий шеър қўшиқлар ижро этдилар. Фаол иштирок этган ўқувчиларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.



**Институт матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов**